

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**



**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ
В XXI ВЕКЕ И ЗНАЧЕНИЕ В НИХ
ИННОВАЦИЙ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
ВА УЛАРДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси профессори Хударган
Мавлонов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган**

**Республика илмий анжумани материаллари
(2021 йил 15 апрель)**

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ В XXI ВЕКЕ И
ЗНАЧЕНИЕ В НИХ ИННОВАЦИЙ
МАТЕРИАЛЫ**

**Республиканская конференция, посвящённая к 75-летию профессора
кафедры биологии и методики её преподавания Хударгана Мавлонова
(15 апреля 2021 года)**

Жиззах-2021

УДК: 581.5 (09)

ББК: 28.58 Г

Э-59

“XXI асрда Биологиянинг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари

Жиззах 2021. – 498 бет.

Таҳрир хайъати:, проф. п.ф.д. Ш.С.Шарипов, таҳрир хайъати раиси б.ф.н. доц. Қодиров Ғ., таҳрир хайъати ўринбосари проф., б.ф.д. Раҳмонқулов У. доц., б.ф.д. (PhD) Азимова Д.Э. б.ф.д. (PhD). Авалбоев О.Н. б.ф.д. (PhD). Абдуллаева Н.С. б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т. Усанов У.Н.

Тўплам редакторлари: б.ф.д.(PhD)., доц. Азимова Д.Э., б.ф.д.(PhD). Авалбоев О.Н., б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т.

Ушбу тўплам Жиззах давлат педагогика институтида 2021 йил 15 апрелда бўлиб ўтган Республика илмий анжумани материалларидан иборат.

Уларда флора, систематика ва юксак ўсимликлар географияси, биологикхилма-хилликни ўрганиш ҳамда ноёб, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларининг муҳофазаси, ўсимликлар қоплами, ресурсларини ўрганиш, структуравий ботаника, экология, интродукция, сув ва қуруқлик ценозлари ҳайвонларни ўрганиш, паразитлар ва энтомокомплекслари шакллантирувчи, ҳаракатлартирувчи тадқиқотларнинг замонавий муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Мақолалар тўплами илмий ҳодимлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахасислар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи, талабалари ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли фармойиши асосида нашрга тавсия этилган.

ЎГИТЛАШ ВА БАРГДАН ҚЎШИМЧА ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ УНАБИ КЎЧАТЛАРИГА ТАЪСИРИ.

Л.Б. Халмирзаева, Ф.Ш. Абдурасулов
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Аннотация. При весенней прививке и внесении навоза в плодовом питомнике 20 т / га + N120 P60 K30 + 2-х кратная подкормка листьев [CO (NH₂)₂ -7%] обеспечить стандартные саженцы унаби через два года.

Ключевые слова: саженец, почва, перегной, органическое удобрение, навоз, зеленые черенки, маточник, прививка, прививка почек.

Annotation. When spring grafting is carried out and rotted manure in the fruit nursery 20 t / ha + N120 P60 K30 + 2 times leaf feeding [CO (NH₂)₂ -7%] is provided to grow unabi seedlings that meet the standard requirements in two years.

Keywords: seedling, soil, humus, organic fertilizer, manure, green cuttings, mother garden, grafting, bud grafting.


2017-2021 йилларда республикани янада ривожлантиришга оид Ҳаракатлар Стратегиясида қишлоқ хўжалигининг мева–сабзавотчилик, богдорчилик, узумчилик тармоқлари жадал суръатларда ривожланишига алоҳида эътибор берилган. 2020 йилда мева ва узум маҳсулотларни етиштириш ҳажмини 21,5% га ошириш кўзда тутилмоқда [2,3].

Унаби кўчатларини етиштириш технологияси, жумладан баҳорги куртак пайванд муддатлари, ўғитлаш тизими ва меъёрлари, кўчатларни баргдан озиклантириш технологияси етарлича ишлаб чиқилмаган [4,5,6]. Унаби кўчатларини етиштириш ва ўстириш хусусиятларини такомиллаштириш ва икки йилда стандарт кўчатларни етиштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Материаллар ва услублар. Тадқиқотлар академик М.Мирзаев номли БУВ ИТИ Самарқанд илмий тажриба станцияси шароитида 2015-2017 йилларда олиб борилди. Тадқиқотнинг мақсади кўчатларини етиштириш хусусиятлари, кўчат етиштиришнинг айрим агротехнологик элементларини, баҳорги куртак пайванд ўтказиш муддатлари, уларнинг тутувчанлиги, куртак пайванд қилинган унаби кўчатларининг сифат кўрсаткичларига ўғит меъёрлари ва баргдан қўшимча озиклантиришнинг таъсирини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш. Тажрибалар Х.Ч.Бўриев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси», И.В.Мичурин номидаги Россия богдорчилик ИТИнинг «Мевали экинлар навларини синаш услуби ва дастури»да келтирилган услублар асосида бажарилди [1].

Тадқиқот натижалари. Кўчатзорда қўлланилган ўғитлар ва баргдан қўшимча озиклантириш баҳорда куртак пайванд қилинган унаби кўчатларнинг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатган. Кўчат бўйи, тананинг диаметри ва асосий илдизларнинг узунлиги бўйича чириган гўнг 20 т/га +N₁₂₀ P₆₀ K₃₀ +2 марта озиклантириш CO(NH₂)₂ -7% ва чириган гўнг 20 т/га +N₁₂₀ P₆₀ K₃₀ + 1 марта баргдан озиклантириш CO(NH₂)₂ - 7% вариантлардан олинди. Бу вариантларда кўчат бўйи, тананинг диаметри ва асосий илдизларнинг узунлиги кўрсаткичлари мос равишда 96,4

см, 12,9 мм, 43,2 см (Чириган гўнг 20 т/га +N₁₂₀ P₆₀ K₃₀ + 2 марта баргдан озиклантириш CO(NH₂)₂ -7%) ва 95,4 см, 12.6 мм, 42,5 см (чириган гўнг 20 т/га +N₁₂₀ P₆₀ K₃₀ + 1 марта баргдан озиклантириш CO(NH₂)₂ -7%) ни ташкил қилди. Нисбатан юқори сифат кўрсаткичлари Чириган гўнг 20 т/га + N₁₂₀ P₆₀ K₃₀вариантдан олинди ва кўчат бўйи 92,3 см ни, тананинг диаметри 12,1 мм ни ва асосий илдизларнинг узунлиги 41,4 см ни ташкил қилди. У-син-хун навида тананинг энг юқори кўрсаткичлар чириган гўнг 20 т/га +N₁₂₀ P₆₀ K₃₀ + 2 марта баргдан озиклантириш ва чириган гўнг 20 т/га +N₁₂₀ P₆₀ K₃₀ + 1 марта баргдан озиклантиришвариантлардан олинди ва мос равишда 12,7-12,3 мм ни ташкил қилди (Ўғитсиз-назорат вариантга нисбатан +120,6-125,4 %).



Унаби кўчатларини сифат кўрсаткичларига ўғит меъёрлари (N₁₂₀ P₆₀ K₃₀-фон, чириган гўнг 20 т/га) ва баргдан 2 марта кўшимча озиклантиришнинг таъсири.

Самарқанд вилоятининг богдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 2017 - 2018 йиллар мобайнида куртак пайванд қилинган Та-ян-цзао ва У-син-хун навлари кўчатларини ўстиришда ўғит меъёрлари ва баргдан кўшимча озиклантиришни ишлаб чиқариш шароитида синаш мақсадида ишлаб чиқариш дала тажрибасини 3,5 га майдонда ўтказилди.

Унабининг Та-ян-цзао нави пайванд қилинган кўчатларини етиштирганда чириган гўнг 20 т/га +N₁₂₀ P₆₀ K₃₀ +2 марта баргдан озиклантириш CO(NH₂)₂ -7% ўтказилганда гектаридан 36 минг донадан ошириб стандарт кўчат олиш мумкинлиги ишлаб чиқариш шароитида исботланди, кўчатининг таннархи 2517сўмни ташкил этиб, гектаридан 143970 минг сўм соф даромад олинди ва 146,2 % рентабелликка эришилди. Бир гектардан олинган даромад 53,4 млн. сўмга, рентабеллик даражаси эса 38,8 % га ошди. Унабининг У-син-хун навида бу кўрсаткичлар мос равишда 52,2 млн. сўмни ва 38,1 % ни ташкил қилди.

Хулоса. Самарқанд вилоятининг тоғ олди шароитида ўтказилган тажрибалар натижасида унаби кўчатзориди Та-ян-цао ва У-син-хун навлари кўчатларини ўстиришда гектарига чириган гўнг 20 т +N₁₂₀ P₆₀ K₃₀ +2 марта баргдан озиклантириш CO(NH₂)₂ -7 % меъёрида қўлланилганда сифат кўрсаткичлари юқори бўлди ва гектаридан 36 минг донадан ошириб стандарт кўчат олиш мумкинлиги исботланди, олинган даромад 52,2-53,4 млн. сўмга, рентабеллик даражаси эса 38,1-38,8 % га ошганини амалий жиҳатдан ўз тасдиғини топди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бўриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. ва бошқалар. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси // – Тошкент.- 2014. – 64 б.
2. Шаумаров Х.Б., Очилов М. Унаби (чилонжийда) кўчатларини жадал кўпайтириш// Ўзбекистон кишлок хўжалиги журнали. -№11, 2018. – Б. 39-40.
3. Хайдаров Б., Комилова М. Совершенствование технологии выращивания саженцев и урожайность сортов унаби //AGRO ILM,- 2 сон., 2017. – Б. 62-63.
4. Gao Q.H. Physico-chemical properties and antioxidant capacity of different jujube (*Ziziphus jujuba* Mill.) cultivars grown in loess plateau of China. // Scientia Horticulturae.– 2011. – P. 67-72.

ТАНГАЧАҚАНОТЛИЛАР (LEPIDOPTERA) – НЎХАТНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

**Ш.Х.Юсупова¹ И.И.Зокиров²,
¹Наманган давлат университети
²Фарғона давлат университети**

Бугунги кунда аҳолини экологик тоза маҳсулотлар ва чорвачиликни оқсилга бой озукага бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шунингдек унумдорлиги паст тупроқларда ўсиб, осон ўзлаштириладиган осилларни жамгарадиган ва шу билан бир вақтда тупроқни азотли ўғитларга бойитувчи дуккакли экинларнинг ҳосилдорлигини максимал даражада ошириш кишлок хўжалиги олдида турган долзарб масалалардан биридир [1; 56-59, 2; 112., 5; 930- 937].

Cicer arietinum L. қимматбаҳо озуқа маҳсулоти ҳисобланиб, уруги юқори даражада оқсилга бойлиги ва таъмининг сифати билан бошқа дуккаклилардан устун эканлиги билан ажралиб туради. Унинг дони таркибида 26-30% гача оқсил ва 4-7% гача ёғ, 47-60 % азотсиз экстрактив моддалар, 2,4-12,8% кул ва шунингдек, инсон организми учун фойдали бўлган А, В₁, В₂, С витаминлари мавжуд. Мазкур экин тури нафақат оқсилга бой озиқ-овқат маҳсулоти, балки чорва моллари учун ем-хашак сифатида, қолаверса, тупроқда кўп миқдорда органик модда тўплаш ва азот балансини яхшилаш учун ҳам хизмат қилади [4; 1125-1145].

Бироқ асосий дукакли экинлардан бири бўлган нўхат ўсимлиги кўплаб зараркунандалар оқибатида ҳосилдорлик аксарият ҳудудларда гектарига 20-22 центнер ўрнига 4-4,5 центнергача тушиб кетган. Бу ўринда, тангачақанотли ҳашаротлар

MUNDARIJA

1-SHO'BA. BIOLOGIYANING ASOSIY MUAMMOLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

1	Х.Қ. Хайдаров, М.М. Норкулов. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЛИШАЙНИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИШ ТАРИХИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ДАСТЛАБКИ ТАДҚИҚОТЛАР.....	3
2	У.Ш. Каршиева, Ф. Олтибоева, Х. Амонов. НАЗОРАТ ВА РАҚОБАТ НАВ СИНАШ МАЙДОНИДА ЎРГАНИЛГАН НАВ ВА ТИЗМАЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ БЕЛГИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ.....	6
3	Халмирзаева Л.Б., Ф.Ш. Абдурасулов. ЎФИТЛАШ ВА БАРГДАН ҚЎШИМЧА ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ УНАБИ КЎЧАТЛАРИГА ТАЪСИРИ.....	8
4	Ш.Х. Юсупова И.И. Зокиров. ТАНГАЧАҚАНОТЛИЛАР (<i>LEPIDOPTERA</i>) – НЎХАТНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ.....	11
5	Бобаева А.С., Халилов Х.Р., Синдоров Ш.Қ. ОЗУҚАБОП ЎСИМЛИКЛАР ГЕНОФОНДИДАН ТАБИИЙ ЯЙЛОВЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.....	13
6	Р.К. Ғуломов. <i>PHLOMOIDES ISOCHILA</i> (RAZIJ ET VVED.) SALMAKITUFIGA (<i>LAMIACEAE</i>) ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....	16
7	Х.Х. Солижонов, З. Иззатуллаев. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЗУЛУКЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ.....	21
8	Шоэргашова Ш.Ш., Каримов Э.Б., Латышева Л.Н., Оллоберганов ¹ Ш. ОЦЕНКА СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ КАЧЕСТВА ВОДЫ РЕКИ ЗАРАФШАН ПО УРОВНЮ ЗАГРЯЗНЕНИЯ МИНЕРАЛЬНЫМИ СОЛЯМИ.....	23
9	М.И. Алимова, Н.Б.Эгамбердиев, Б.Р. Насибов. УНИЧТОЖЕНИЕ МИКРООРГАНИЗМОВ ВЫЗЫВАЮЩИЕ ГНИЕНИЕ ПИВОВАРЕННОГО ЯЧМЕНЯ С ПРИМЕНЕНИЕМ ОЗОНА.....	27
10	Мавлонов Х, Раҳимова М, Холмирзаева А. ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	29
11	N. T. Xamrayeva, U. S. Sotiboldiyev, O. Sayfiyev. POLIFAG ZARARKUNANDA CHIGIRTKALAR VA ULARGA QARSHI KURASH SHORALARI.....	32
12	Махаммадиев D.M., Mavlonova S.X., Aberqulov E.A., Alimov A. A. JIZZAX SHAHAR FLORASIVA UNI O'RGANILISHI.....	34
13	Z.X. Almamatova, B. Qo'shmatov. ATROF-MUHITNING BIOEKOLOGIYASI.....	38
14	D.I. Mustafaqulova, O. Ismatullayev, G.F. Malikova. BIOLOGIYANI SAVZAVOTLARSIZ TASAVVUR QILIB BO'LMAYDI.....	40
15	Э.Э. Икромов, Э.Ф. Икромов. КЎЛ БАҚАСИНИ <i>CENTRORHYNCHUS ALUCONIS</i> LUNE, 1911 АКАНТЕЛЛАСИ БИЛАН ЗАРАЛАНИШИНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	44